



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРYO‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 8-январ • payshanba • № 1 (6581)

Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида давлатимиз ҳамда кўп миллатли халқимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган долзарб масалаларнинг ривожини ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлган Ўзбекистон темир йўлларининг келгуси истиқболлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

2026 йилдан 2030 йилгача 500 КИЛОМЕТР ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛАДИ

Хусусан, давлатимиз раҳбари Мурожаатноманинг асосий қисми – 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган 6 та асосий устувор йўналишдан иборат дастур ҳақида атрафлича тўхталиб, Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан 6 та юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд етказиб берилишини таъкидлади. Бунинг биринчи таркиби яқин кунларда келишини айтиб ўтди.

Шунингдек, ички темир йўллари ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур қабул қилиниши маълум бўлди. Унга кўра, шаҳарларни тезйорар поездлар қатнови билан боғлаш учун 2026 йилдан 2030 йилгача яна 500 километр темир йўл қуришга киришилади. Жорий йилда эса 110 километр темир йўл тармоғи қурилиб, Бўка, Пискент, Бекобод, Боёвут туманлари ҳамда Нурафшон шаҳри пойтахт билан боғланади. Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар учун янги темир йўл линияси қурилиши бошланади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Навоийдаги вокзаллар ҳам хусусий шериклик учун берилади.

Таъкидлаш лозимки, яқунланган 2025 йил “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти учун жадал сўрбатларда, юк ва йўловчи ташвиш самарадорлиги ҳамда катта лойиҳалар ижросини таъминлаш билан ўтди. 2025 йил бошида Президентимиз томонидан Жамият олдига темир йўл соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, транзит салоҳиятини ошириш, инфратузилма ҳамда сервис хизматларини такомиллаштириш бўйича муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Йил сарҳисобига кўра, мазкур топшириқлар ўз вақтида, ортиғи билан бажарилди. Жумладан, соҳа фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўлган юк ташвиш ҳажми 105 миллион тоннага етказилди. Транзит юк ташвиш ҳажми 12,3 миллион тоннани ташкил этди. 10,5 миллион йўловчи ўз манзилларига хавфсиз етказиб қўйилди.

Экспорт ҳажми 586 миллион долларга етказилиб, 2024 йилга нисбатан 4,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Юк ва йўловчи ташвиш хавфсизлигини ошириш, поездлар ҳаракатини тезлаштириш, таъмир харажатларини камайтириш, замонавий ва халқаро стандартларга мослашиш мақсадида инфратузилмани янгилаш долзарб ҳисобланади. Ушбу йўналишда 2025 йилда самарали натижаларга эришилди. Жумладан, 88,1 километр темир йўллар янгиланди, 172,4 километр темир йўллар электрлаштирилди, 171,5 километр янги темир йўллар қурилди. 8 та замонавий локомотив харид қилинди ва 36 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 1 минг 210 та юк вағони ишлаб чиқарилди ва 1 минг 700 тасининг хизмат муддати узайтирилди. 51 та замонавий йўловчи вағони ишлаб чиқарилди, 81 таси капитал таъмирдан чиқарилди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида 3 та янги вокзал қурилди, 1 таси реконструкция қилинди. Вокзалларда 51 та инфокиоск мосламалари ўрнатилиб, йўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратилди. Электрон чипта сотиш улуши 86 фоизга етказилди. Ушбу муваффақиятли амалга оширилган вазифалар ва юқори суратдаги кўрсаткичлар шуни англатадики, Ўзбекистон темирйўлчилари янги 2026 йилда ҳам Президентимиз ва ҳукуратимиз раҳбарлари томонидан беришган топшириқларни ишончли ва самарали амалга оширишади.

Тўғри, бошланган 2026 йил темирйўлчилар учун ниҳоятда масъулиятли ва шу билан бирга шарафли йил бўлиши аниқ. Ўзбекистон темирйўлчилари жорий йилда 24 километрлик “Байтқўрғон – Паркент” янги электрлаштирилган темир йўлни фойдаланишга топширишади. Юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун “Навоий – Бухоро” участкасидаги 2-темир йўл линияси қурилиши ҳам яқин кунларда қуриб битказилади. Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидаги “Мискин – Нукус” темир йўл участкаси ҳам электрлаштирилиб, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларга мослаштиришмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, темирйўлчиларимиз олдида турган ниҳоятда муҳим ва масъулиятли бўлган давом этаётган лойиҳаларни ва давлатимиз раҳбари томонидан ишониб топширилаётган янги вазифаларни ўз вақтида, ишончли, сифатли бажаришда катта тажрибага эга, десак тўғри бўлади. Президентимиз топшириқларини бажариш учун Ўзбекистон темир йўлларининг раҳбар ва мутахассисларида юксак даражадаги билим, илғор касб эгалари, замонавий техникалар ва энг муҳими, катта ишонч ҳамда ғайрат, шижоат бор. Улар ҳар бир вазифани шараф ва масъулият билан бошлаб, залворли меҳнатлари ҳамда фидойиликлари билан муваффақиятли амалга оширишларига шубҳа қилмаймиз.

Рустам ҲАЙДАРОВ

“ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ПОЕЗДЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЦЕХИ ОЧИЛДИ



Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги Юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларга техник хизмат кўрсатиш марказида Корея Республикасининг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан Ўзбекистон учун ишлаб чиқарилган “Жалолитдин Мангуберди” электропоездларига мўлжалланган янги цехларнинг очилиши ҳамда энг яхши инновацион ғоялар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти, бошқарма ва департамент раҳбарлари, тармоқ корхоналари мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Улар замонавий депо фаолияти билан яқиндан танишиб, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларга техник хизмат кўрсатишнинг барча босқичларини бевосита кузатиш имконига эга бўлишди.

Маълумки, мазкур марказ 2018 йил 12 июлда ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар

асосан “Афросиёб” электропоездларига техник хизмат кўрсатиб келинмоқда. 2026 йилдан бошлаб эса янги барпо этилган цехда “Жалолитдин Мангуберди” электропоездларига ҳам тўлиқ техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

Марказ замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Асосий бинода поездлар ҳаракатини онлайн тизимда мониторинг қилиш имконини берувчи диспетчерлик маркази жойлашган. 2025 йилда “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти мутахассислари томо-



нидан юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларни бошқариш учун машинистлар ва уларнинг

ёрдамчиларини тайёрлашга мўлжалланган махсус ўқув-тренажёр цехи ташкил этилди.

Ушбу цех ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Давоми 2-бетда

РАҚАМЛАР ШАРҲИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида “Ягона дарча” тизими жорий этилиши натижасида юк расмийлаштириш жараёнлари 7 босқичдан 3 босқичга қисқарди, мижозлар вақти 60 соатга тежалди. Ҳозирги кунда маҳаллий йўналишдаги 99 фоиз юк ташувлари ахборот тизими орқали расмийлаштирилмоқда.

“НАВОИЙАЗОТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МАҲАЛЛИЙ ВАГОН-ЦИСТЕРНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Саноат кооперациясини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Навоийазот” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, дастур доирасида айна кунларда “Навоийазот” ҳамда “Андижон юк вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятлари ҳамкорлигида тоғ жинсларини қайта ишлашда кенг фойдаланиладиган хлорид кислотасини ташувчи вагон-цистерналар ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

2025 йил сентябрь ойида “Навоийазот” ҳамда “Андижон юк вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” ўр-

тасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиб, “йўл харитаси” тасдиқланди.

Лойиҳа доирасида “Андижон юк вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан 2025-2026 йиллар давомида 20

та шундай вагон-цистерналар етказиб берилиши кўзда тутилган. Бу вагон-цистерналарда ташиладиган хлорид кислотаси тоғ жинсларини қайта ишлашда асосий кимёвий элемент воситаси ҳисобланади.



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги 289-сонли қарорига мувофиқ, Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан 6 дона “Жалолиддин Мангуберди” электропоездлари харид қилинди. Ушбу қарор асосида 2025 йилда “Темирийўлэкспресс” акциядорлик жамиятининг 15 нафар мутахассиси Корея Республикасида малака ошириб келди. 2026 йилда эса яна 90 нафар мутахассисни ўқитиш режалаштирилган.

Янги цех доирасида қўшимча иншоотлар барпо этилди. Жумладан, уч қаватли замонавий бино ташкил этилди. Унинг биринчи қавати поезд аравалари (тележка)га техник хизмат кўрсатиш цехи, иккинчи ва учинчи қаватлари эса маъмурий бинолардан иборат. Шунингдек, 1 минг квадрат метр майдонга эга янги техник хизмат кўрсатиш цехи қуриб битказилди.

Цехлар замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Хусусан:

- поезд араваларини айлантирувчи 2 та платформа;
- поезд араваларини автоматлаштирилган ювиш қурилмаси;
- поезд том қисмига хизмат кўрсатиш мосламалари.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда илк бор цех ичида 25 минг вольтли контакт линиялари ўрнатилди. Бу электропоездларни манёвр қилиш ишларини тезлаштириб, техник хизмат кўрсатишга кетадиган вақтни сезиларли даражада қисқартиради.

Айни кунда марказда 289 нафар ходим фаолият юритмоқда. “Afrosiyob” электропоездларига хизмат кўрсатаётган Испаниянинг “Patentes Talgo S.L.U.” компанияси мутахассислари сони 47 нафарни ташкил этади. 2026 йилдан бошлаб Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси мутахассислари ҳам янги цехда иш бошлайди.

Марказда экологик барқарорликка алоҳида эътибор қаратилган. Электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг катта қисми қуёш панеллари ҳисобига қопланмоқда. Худудга қуввати 250 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, улар ойига 11 минг кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, ёмғир ва қор сувларини йиғиш ва қайта ишлаш тизими жорий этилган.

“ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ПОЕЗДЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЦЕХИ ОЧИЛДИ



Манёвр ишлари учун электрлаштирилган махсус манёвр локомотиви (локомобиль) харид қилиниши режалаштирилган бўлиб, у атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқармайди. Бу чора-тадбирлар марказнинг “Яшил депо” талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 6 та “Afrosiyob” ва 6 та “Жалолиддин Мангуберди” электропоездлари мавжуд бўлиб, умумий сони 12 тани ташкил этади. 2026 йилда “Жалолиддин Мангуберди” электропоездларининг Тошкент – Урганч – Хива йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилиши режалаштирилган. Ушбу поездлар 1 минг 100 километрдан ортиқ масофани 7 соатдан сал кўпроқ вақт ичида босиб ўтади.

Мақкур тадбир доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбар ва мута-



ОЙЛИК ДОИРАСИДА

соҳавий экспертлар ҳар бир лойиҳани атрофлича ўрганиб, темир йўл тармоғи учун амалий аҳамияти, инновацион ечимлари ва самарадорлиги асосида баҳоладилар.

– Кейинги уч йилда темир йўл учун қабул қилинган қонун ва фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан ортиқ қарори ижросини тўғри ташкил қилиш орқали бугунги ютуқларга эришдик, – дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев. – Бугунги ёшларимиз ва уларнинг гоёлари темир йўллариимизда кўп ютуқларга ва ўзгаришларга сабаб бўлди. Ушбу тадбирлар келажақдаги катта лойиҳаларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2030 йилгача 500 километр темир йўл қурилиши, янги Тошкент – Самарқанд йўналишида алоҳида юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар учун темир йўл барпо этиш, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўлини қуриш ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш топшириқларини берди ва буларнинг барчаси бугунги ёшларимиз билан ишончли амалга оширилади.

Бунинг натижасида, энг манфаатли 9 та лойиҳа саралаб олинди. Ушбу лойиҳалар темир йўлда рақамли технологияларни жорий этиш, бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, хавфсизлик ва самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Танлов якунларига кўра, 3 нафар ғолиб пул мукофоти билан тақдирланди:

- 1-ўрин – БХМнинг 25 баробари,
- 2-ўрин – БХМнинг 15 баробари,
- 3-ўрин – БХМнинг 10 баробари.

Шунингдек, яна 6 та лойиҳа муаллифлари қимматбаҳо совға – телевизорлар билан рағбатлантирилди.

Мақкур танлов темир йўлда сунъий интеллект ва ахборот технологияларини жорий этишга қизиқишни ошириш, иқтидорли мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда инновацион гоёларни амалиётга татбиқ этиш йўлида муҳим қадам бўлди. Келгусида ҳам бундай ташаббуслар соҳанинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

2025 йилнинг 1 декабридан 30 декабргача республикаимиз ҳудудларида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” эълон қилинган эди. Шу муносабат билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандисининг 2025 йил 1 декабрь кундаги 736-сонли буйруғига асосан темир йўл транспортида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ўтказилган “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ва назорат ёнғин-техник кўрик тадбирлари учун корхона раҳбарлари ва бўлинмаларининг етакчи мутахассислари иштирокида комиссия тузилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Текширувлар давомида ёнғинга қарши сув таъминоти меъёр ва қоидалар талабларига мослиги, сув қувурлари, ёнғин ўчиришга лўлжалланган ер ости сув олғич (гидрант)лари, сув ҳовузлари, ички ёнғин ўчириш жўмаклари, насос станциялар ва уларнинг техник ҳолати, сув манбалари-



“ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР ОЛИБ БОРИЛДИ

ни кўрсаткичлар билан таъминланганлиги, электр кабель ва ускуналарининг ёнғинга қарши ҳолати, электр токини тарқатиш қутиларидаги электр сим кабеллари ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

1 декабрдан 30 декабрга қадар Жамиятга қарашли 835 та темир йўл объекти назоратдан ўтказилганда 5 минг 851 та бандан иборат ёнғинга қарши ёзма кўрсатмалар ва тавсияномалар тақдим этилади ва бугунга келиб 4 минг 710 та банднинг (80 фоизи) бажарилишига эришилди. Қолган 1 минг 141 та банднинг бажарилиши учун мuddат белгилаб берилди. Локомотив хўжалигига қарашли локомотив, электровоз ва ҳаракатдаги мотор вагон таркибларини темир йўл станциялари, участка йўлларида ҳаракатланиш даврида 1 минг 299 маротаба локомотив ва электровозларнинг ёнғин



хавфсизлиги ҳолати текшириб чиқишига эришилди.

Ўтказилган учрашувлар ва суҳбатлар давомида объектлар ходимларининг таққиланган ускуналардан фойдаланиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган аянчли оқибатлар хусусида батафсил сўз юритилиб, бундай ҳолатларни ўзида акс этирувчи видео роликлар намойиш этилди.

Темир йўл объектларида ўтказилган профилактик тадбирларда инсонлар ҳаётини ёнғинлардан ҳимоя қилиш, кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”нинг бориши маҳаллий матбуотда мунтазам равишда ёритиб борилди. Жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали 2 маротаба роликлар на-

мойиши ташкил этилди, темир йўл вокзалларидаги электрон таблоларда 797 маротаба роликлар намойиши ва радиотўлқинлари орқали 601 маротаба эшиттиришлар ташкил этилди. Рўзнома саҳифаларида 2 маротаба, объектларнинг деворий газеталарида 858 та эслатма чоп этилишига эришилди.

Темир йўл транспортида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 61 нафар раҳбар ва жавобгар шахслар ҳамда фуқароларга нисбатан жами 13 миллион 109 минг сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилди.

Анвар ҲУСАНОВ,
Ҳарбийлаштирилган кўриклаш
бошқармасининг Ёнғин хавфсизлиги
бўлими бошлиғи

Қутуриш (гидрофобия – сўвдан қўрқиш) – иссиқ қонли ҳайвонларда учрайдиган, нейротроп вируси қўзғатадиган, касалланган ҳайвоннинг сўлаги орқали юқадиган, марказий асаб тизимини чуқур шикастланиши билан кечадиган ва ўлим билан якун топадиган оғир, ўта хавфли юқумли касалликдир.

ХАВФЛИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНИНГ!

Қутуриш клиникасининг кечишига қараб, уч даврга бўлинади: бошланғич, қўзғалиш ва фалаж даврлари. Касалликнинг бошланғич даври 1-3 кун давом этади. Тишланган жой қичийди, тортишади, битган жароҳат ва чандиқ такоран яллиғланади. Бемор тушкунликка тушади, одамлар билан мулоқотдан қочади, уйқуси бузилиб, иштаҳаси бўғилади, унда қўрқув ҳисси пайдо бўлади, кайфияти ўзгариб туради, атрофга бўлайд бўлади. Беморнинг тана ҳарорати субфебрил (тана ҳароратининг бироз кўтарилиши, 37 ва 38 даража оралиғи) бўлади, эшитиш ва қўриш қўзғатувчиларига нисбатан сезгирлик ошади.

Ҳайвонлар тишлашидан жабрланган одамларнинг ўз вақтида тиббий ёрдамга мурожаат этиб, антирабик эмлашга жалб этилиши касалликнинг профилактикасида жуда муҳимдир. Ҳар йили республикаимиз бўйлаб ҳайвон тишлашидан жабрланганларни қутуришга қарши эмлаш учун (антирабик вакцина, антирабик иммуноглобулин) кенг кўламли ишлар олиб борилади.

А.НИЗОМОВ,
“Самарқанд” темир йўл шифохонаси
шифокори



ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

МЕХР-ОҚИБАТ – ЭЗГУ ҚАДАМДИР

Янги йил муносабати билан инсонпарварлик ва ижтимоий масъулият тамойилларига таянилган хайрли ишлар янада жонланади. Айниқса, жамиятда эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай ташаббуслар ҳар қандай байрамга мазмун бағишлайди.



Ана шундай эзгу тадбирлардан бири “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ташаббуси билан амалга оширилди. Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан ташкилот қарамоғида бўлган 390 нафар эҳтиёжманд фуқарога озиқ-овқат махсулотлари етказиб берилди.

Хайрия ёрдамлари манзилли тарзда тақдим этилиб, ҳар бир эҳтиёжманднинг ҳолидан хабар олинди. Бу орқали нафақат моддий кўмак кўрсатилди, балки инсон қадрини улуғлаш, ғамхўрлик ва меҳр-оқибатни намоён этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай хайрли ишлар Янги йилда кўплаб инсонларнинг кўнглига илқиклиқ улашиб, жамиятда ҳамжихатлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мазкур ташаббус келгусида ҳам изчил давом эттирилиши режалаштирилган.

ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Темир йўл транспорти қулай ва ишончли транспорт воситаси ҳисобланади. Албатта, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб, бундай эътирофга эришиш учун доимий равишда тизимда техник назорат ишлари олиб борилади ҳамда йўл, алоқа, электр тармоқлари, вагон ва локомотивларнинг созлиги кўздан кечирилади.



Жорий йил “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи ўринбосари Ш.Қодиров тегишли корхона раҳбарлари ўринбосарлари иштирокида “Термиз – Қумқўрғон” темир йўл участкасида назорат кўриғи ўтказди.

Кўрик давомида йўл, алоқа ва сигналлаштириш, электр таъминоти ҳамда вагон ҳўжаликлариди, шунингдек, станцияларда меҳнат интизомига риоя қилиниши, иншоот ва қурилмаларнинг соз сақланиши, иш технологиясининг ҳамда ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бажарилиши борасида амалга оширилган ишлар атрофлича ўрганилди.

Жараёнда бир қатор камчиликлар ҳам аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича масъул ходимларга кўрсатмалар ва топшириқлар берилди.

“ЧОДАК” СТАНЦИЯСИДА НАВБАТДАГИ ИШЧИ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида дам олиш кунлари бўлишига қарамай, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилади.

Жўмладан, “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғининг ўринбосари Қ.Аҳмаджонов бошчилигида “Чодак” станциясида навбатдаги ишчи текшируви ўтказилди.




Текширув давомида станция йўллари ва ўтказгичларнинг техник ҳолати, навбатчи ходимларнинг ҳушёрлиги ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши, қишки мавсумда мураккаб тоғли ҳудуд шароитида ишларнинг ташкил этилишига асосий эътибор қаратилди.

Текширув давомида навбатчиларнинг хизмат вазифаларига риоя этиши, ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бажарилиши ҳамда иш жараёнларининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги кўздан кечирилди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли кўрсатмалар берилди ва келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

ТУНГИ ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Байрам кунлари “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти, корхона ва ташкилот раҳбарлари, станция бошлиқлари бевосита ҳаракат хавфсизлигига жавобгар ходимлар томонидан жойларда тунги текширувлар ўтказилди.



Текширув давомида қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган темир йўл кесишмалари, станциялар, станция навбатчиларининг иш фаолияти, тормоз бошмоқлари сақланиши ва фойдаланилиши, поезд кабинасида станциялар оралиғи бирма-бир кўздан кечирилди ҳамда ишчи-ходимларга поездлар ҳаракати хавфсизлигига қатъий риоя этишлари бўйича тушунтиришлар берилди.

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғининг 2025 йил 20 декабрдаги 263-сонли буйруғига асосан, Янги йил байрами арафасида Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент,



Сирдарё, Жиззах вилоятларида истиқомат қилаётган бир гуруҳ кам таъминланган, яқка ёлғиз нафақахўрлар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган хонадон эгалари ҳолидан хабар олинди. Уларга Янги йил байрами муносабати билан байрам тухфаси сифатида кундалик турмушда зарур бўладиган озиқ-овқат махсулотлари жамланмиси тарқатилди.

Бундай хайрли ишлар жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак инсоний ғазилатларни камол топтиришга хизмат қилади.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЮЗАСИДАН КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи М.Мирзаев ҳамда “O'zbekiston GTL” заводи раҳбарияти иштирокида учрашув ташкил этилиб, ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорлик юзасидан келгусидаги режалар келишиб олинди.



Учрашувда ҳамкорлар томонидан илгари сурилган таклиф ва саволлар атрофлича муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилиш, юк ташиш жараёнларини оптималлаштириш ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга доир аниқ келишувлар амалга оширилди.

Ушбу мулоқотлар тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, логистика соҳасида замонавий ёндашувларни жорий қилиш ҳамда миқозларга янада қулай шароитлар яратиш мақсадида олиб борилди.

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲУШЁРЛИК – УСТУВОР ВАЗИФА

“Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжанов бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва темир йўл объектларининг шайлигини назорат қилиш мақсадида навбатдаги профилактик кўрик тадбири ўтказилди.

“Кўл” ва “Орзу” станцияларининг байрам кунларидаги иш тартиби ва ҳаракат хавфсизли-



гини таъминлаш борасидаги тайёргарлиги кўздан кечирилди.

Станция навбатчиларининг иш ҳужжатларини юритиш ҳолати, техник кўрсатмаларга риоя қилиши ва фавқулодда вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш қўниқмалари текширилди.

Байрам кунлари юк ва йўловчи поездлари ҳаракати хавфсизлигини юқори даражада сақлаш бўйича масъул ходимларга қўшимча йўриқномалар берилди.

ЯНГИ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕМИРЙЎЛЧЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

“Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти бош директори М.Мама-сидиков, бош директорнинг биринчи ўринбосари М.Мухтаров ҳамда жамиятнинг Бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Х.Асатуллаев бошчилигида темирйўлчи ходимлар ва уларнинг фарзандлари Янги йил байрами муносабати билан табриклиниб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.



Хусусан, “Йўл болалар” касалхонаси филиалида даволанаётган темирйўлчиларнинг фарзандларига байрам муносабати билан совғалар топширилди.

Шунингдек, “Марказий клиник” касалхонаси филиалида даволанаётган беморлар ҳолидан ҳам хабар олинди ва уларга самимий табриклар йўлланди ҳамда байрам совғалари топширилди.

Мазкур тадбирлар жамият томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлаш ҳамда байрамона кайфият улашишга қаратилган эзгу анъаналарнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

НАВОЙДА ТЕМИР ЙЎЛ ОБЪЕКТЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Жорий йилнинг 5 январь санасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг темир йўл объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича ўринбосари Элёр Ризаев ҳамда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари Навоий вилоятига ташир буюрди.

Ташир давомида “Кармана эркин иқтисод зонаси”да жойлашган “Навоий саноатни ривожлантириш мажмуаси махсус саноат парки” қурилиши муносабати билан ҳудудда темир йўл ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, ётқизилган темир йўл излари кўздан кечирилди ва вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари бўйича масъул ходимларга қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан керакли кўрсатмалар бериб ўтилди. Шу билан бир қаторда “Бухоро” темир йўл вокзалида йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида қайта реконструкция қилинган ёзги ва қишки кутиш павильони кўздан кечирилди.



ПРОТЯЖЕННОСТЬ ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ ЛИНИЙ КИТАЯ ПРЕВЫСИЛА 50 ТЫСЯЧ КИЛОМЕТРОВ

В Китае 26 декабря 2025 г. были введены в эксплуатацию высокоскоростные магистрали Ухань – Ичан, Сиань – Яньань и Ханчжоу – Цюйчжоу, рассчитанные на скорость движения поездов 350 км/ч. Таким образом, общая протяженность национальной сети ВСМ превысила 50 тыс. км. По этому показателю железные дороги Китая уже достаточно давно превосходят остальные страны мира.

Строительство магистралей Ухань – Ичан длиной 314 км с восемью станциями велось в провинции Хубэй с сентября 2021 г. Она вошла в состав высокоскоростной железной дороги Шанхай – Чунцин – Чэнду. Время в пути между Уханем и Ичаном сократилось на 34 мин и теперь составляет 69 мин.

ВСМ Сиань – Яньань протяженностью 299 км с 10 станциями введена в эксплуатацию в провинции Шэньси. Поездка между этими городами занимает около 1 ч (ранее – примерно 2 ч 30 мин). Работы по реализации проекта велись с апреля 2021 г.

Открытие ВСМ Ханчжоу – Цюйчжоу позволило значительно сократить время в пути между этими городами провинции Чжэцзян. Протяженность новой магистрали с шестью станциями составляет около 131 км, ее строительство велось с мая 2020 г., а в ноябре 2025 г. начались тестовые поездки с пассажирами.

Первая ВСМ в Китае, Пекин – Тяньцзинь, открылась для движения поездов в 2008 г. По информации железных дорог Китая (CR), в период с 2021 по 2025 г. в стране было построено и введено в эксплуатацию 12 тыс. км высокоскоростных линий. В настоящее время 97 % китайских городов с населением более 500 тыс. чел. имеют доступ к национальной сети ВСМ, ее услугами ежедневно пользуются до 16 млн пассажиров.

ИНВЕСТИЦИИ В ИНФРАСТРУКТУРУ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ ГЕРМАНИИ СОСТАВИЛИ БОЛЕЕ 19 МЛРД ЕВРО

Подводя итоги 2025 г., компания DB InfraGO – оператор инфраструктуры железных дорог Германии (DB) – сообщила о выполнении работ стоимостью более 19 млрд евро. Было обновлено 2065 стрелочных переводов, построено 2173 км путей, модернизировано 950 из имеющихся на сети 5700 станций. Кроме того, введено в эксплуатацию 60 современных систем микропроцессорной централизации (против 40 систем годом ранее), включая 4025 напольных устройств.

Крупнейшими проектами стали продолжающаяся реконструкция магистрали Гамбург – Берлин, ввод в эксплуатацию модернизированных и новых участков линий Берлин – Дрезден (Dresdner Bahn) и Берлин – Галле (Anhalter Bahn), а также пуск линии Anhalter Bahn в долине реки Ар, восстановленной после катастрофического наводнения 2021 г.

Темпы развертывания европейской системы управления движением поездов ETCS остаются скромными – в 2025 г. ее внедрили на участках общей длиной 157 км, в результате суммарная протяженность линий с ETCS достигла 683 км.

ALSTOM ПОСТАВИТ 47 ПОЕЗДОВ ДЛЯ НОВЫХ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ КОРИДОРОВ МЕКСИКИ

Компания Alstom заключила контракт с мексиканским Агентством в области регулирования железнодорожного транспорта (ARTF) на поставку 47 моторвагонных поездов, в том числе 33 ед. для дальних сообщений и 14 – для коротких маршрутов. Поезда предназначены для эксплуатации в коридорах Мехико – Керетаро – Ирапуато и Сальтильо – Монтеррей – Нуэво-Паредо и заказаны в рамках реализации Национального плана развития на 2025 – 2030 гг., направленного на возрождение пассажирских железнодорожных сообщений между центральными и северными регионами страны.

Контракт стоимостью 20,2 млрд мексиканских песо (примерно 920 млн евро) включает проведение обслуживания поездов в течение пяти лет с использованием системы прогнозирования состояния на основе разработанной Alstom облачной цифровой платформы HealthHub, а также устройство ремонтных депо, пунктов технического обслуживания и экипажи подвижного состава, приемку поездов в эксплуатацию и обучение персонала. Строить поезда будет завод компании Alstom в Сьюдад-Саагуне в мексиканском штате Идальго, при этом 76,6 % комплектующих предполагается изготавливать в пределах страны.

Поезда на основе конструктивной платформы Adessia Stream, получившие в данном проекте название Trenes del Norte, рассчитаны на максимальную скорость 165 км/ч. Длина каждого поезда – около 100 м. Возможна эксплуатация двух поездов в сцепе, состоящем в общей сложности из восьми вагонов. Каждый поезд, предназначенный для дальних сообщений, вмещает примерно 300 пассажиров, для коротких маршрутов – до 600. Поезда будут доступны для лиц с ограниченной мобильностью и оборудованы системами информирования пассажиров в реальном времени.

По материалам интернета

САЁХАТ ҚИЛИНГ!

Туркия қиш мавсумида бутунлай ўзгача қиёфа касб этади. Қор билан қопланган улуғвор тоғлар, музлаб ётган сокин қўллар ва шифобахш илиқ булоқлар табиат қудратини бутун гўзаллиги билан намойиш этади. Қиш мавсумида Туркия ўзининг ноёб ва мароқли машғулоти билан алоҳида ажралиб туради.

ТУРКИЯ ХИЛМА-ХИЛ МАШҒУЛОТЛАРИ БИЛАН ҚИШКИ ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

КАПАДОКИЯДА ҲАВО ШАРЛАРИДА ПАРВОЗ ҚИЛИШ

Туркияда қиш мавсумидаги энг машхур машғулотлардан бири – қор билан қопланган эртақнамо тепаликлар узра кўтарилаётган иссиқ ҳаво шарларида парвоз қилиш.



лиш. Ҳатто шарда учигша журъат топа олмасангиз ҳам, уларни томоша қилишнинг ўзиёқ бекиёс завқ бағишлайди. Айниқса, қуёш чиқиши чоғида осмонга кўтариладиган шарлар қорли манзаралар фонидида сеҳрли ва унутилмас муҳит яратади.

ТЕРМАЛ МАРКАЗЛАРГА ТАШРИФ БУЮРИШ

Кўплаб касалликларни даволашда муқобил ечим сифатида эътироф этилган иссиқ булоқларга ташриф буюриш қиш



мавсумининг энг ёқимли ва илиқ машғулотларидан биридир. Ўртача 40 даража ҳароратга эга минерал сувлар нафақат даволовчи хусусиятга эга, балки танани тинчлантириб, чарчоқ ва стрессдан халос бўлишга ёрдам беради.

ЧАНҒИ УЧИШ

Туркия чанғи учиги учун бамисоли “жаннат”. Бурса шаҳридан Карсгача бўлган деярли барча ҳудудларда замонавий



технологиялар билан жиҳозланган, юқори сифатли хизмат кўрсатадиган чанғи марказларида чанғи учиги билан бир қаторда сноуборд, қор мотоцикли каби турли қишқи машғулотлардан ҳам баҳраманд бўлиш мумкин.

ЧИЛДИР КЎЛИДА ОТЛИ ЧАНАЛАРДА УЧИШ

Карсга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ синаб кўриши керак бўлган машғулотлардан бири – отли чаналар. Муз билан қопланган Чилдир кўли узра тезлик билан



ҳаракатланадиган отли чанага миниб, ўзингизни табиат бағрига топширинг. Сўнгги йилларда кўл устида чаналар билан дрефт қилиш тобора оммалашиб бормоқда.

МУЗ УСТИДА БАЛИҚ ОВЛАШ

Чилдир кўлида фақат отли чаналар билан чекланмай, музлаб қолган кўл устида балиқ овлашни ҳам синаб кўриш лозим.



Муз устида кичик тешик очиб, кўл балиқларини овлаш муҳташам тажрибадир. Қишнинг завқини тўлиқ ҳис қилиш ва табиат билан ёлғиз қолиш имконини берувчи унутилмас дам олиш учун Карс мукамал манзил!

МУЗЛАБ ҚОЛГАН ШАРШАРАГА ТИРМАШИШ

Бу машғулот бироз ғалати эшитилиши мумкин, бироқ Эрзурум шаҳрида музлаб қолган шаршараларга тирмашиш имконияти мавжуд. Узундере туманидаги шаршаралар қиш фаслида музлаб, баланд-



лиги 300 метрга етадиган улкан муз қатламларини ҳосил қилади. Бу эса, айниқса, музга тирмашиш бўйича муқобил манзил излаётган тоғчилар учун ажойиб имкониятдир. Бунинг учун албатта профессионал бўлиш шарт эмас, чунки махсус машғулотлар ҳам бор. Эрзурум – ҳаяжонга бой ва унутилмас таассуротлар маскани!

АБАНТАДА ПИЁДА САЙР ҚИЛИШ

Болту шаҳри, айниқса, Истанбулга саёҳат режа қилаётганлар учун ажойиб муқобил манзилдир. Яқин жойлашгани сабабли кўпчилик шаҳар шовқинидан бироз узоклашиб, ҳордиқ чиқариш учун Болунни танлайди. Ҳар фаслда ўзига хос гўзалликка эга бўлган бу ҳудуд қиш мавсумида



янада бетакорор кўриниш касб этади. Оппоқ қорга бурканган табиат сизни бу ерда энг гўзал қиёфасида қарши олади. Ушбу манзарадан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун Абант кўлида ёқимли сайр қилиш кифоя.

“ҚОРБОЛА” ФЕСТИВАЛИДА ҚАТНАШИШ

2007 йилдан буён Ризе вилоятидаги Айдер яйловида ўтказиб келинаётган “Қорбола (Снеговик)” фестивали жорий йилда 24-26 январь кунлари бўлиб ўтади. Фестиваль доирасида турли танловларда иштирок этиш, қор устида ҳорон рақсини ижро этиш, маҳаллий санъаткорлар концертларига қўшилиш ёки балонларда сирпаниш имкониятилари мавжуд.



Зулайҳо БОЙХОНОВА:

“ОРЗУЛАРИМ ОРТИҒИ БИЛАН РЎЁБГА ЧИҚДИ”



Бугунга қадар 80 дан ортқ қўшиқларни ижро этган, оилали, икки нафар фарзанднинг онаси. 1996 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 2003 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонлари билан тақдирланган. 2011 йилда эса “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлган. Театр сахнасида “Нурхон”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Нодирабегим”, “Тақдир”, “Девона”, “Фарҳод ва Ширин” каби спектаклларда бош қаҳрамонларни маҳорат билан ижро этган. “Темирийўлчилар қўшиғи”ни юракдан, мохирона қуйлаган эл севган санъаткор – хонанда ва актриса Зулайҳо Бойхонова билан “Темирийўлчи” газетаси учун махсус суҳбат уюштирдик.

– Болаликда қандай орзуларингиз бор эди? Бугунги Зулайҳо ўша орзуларга қанчалик эришди?

– Болаликда инсонда болалардек пок, самимий орзулар бўлар экан. Ёшлигимда кўлимга нима тушса, шунини микрофон деб тасаввур қилардим. Гўё саҳнада навбат фақат менга берилгандек ҳис қилар, ўз-ўзимга: “Катта саҳна! Қарши олинг, саҳнамизга Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхоновани тақдир қиламиз!” – деб эълон қилиб, саҳнага ўзим Зулайҳо Бойхонова бўлиб чиқиб келардим. Гўё мухлисларим олдимга дафтар кўтариб келишар, мен эса уларга дастхатлар қўйиб берардим. Ўша пайтларда: “Худо хоҳласа, албатта Тошкентга бораман, ўқийман, катта санъаткор бўламан, дунё саҳналарида қўшиқ айтаман, Президент қўлидан мукофотлар оламан, Ўзбекистон халқ артисти бўламан”, деб орзу қилардим. Энг ҳайратланарлиси, ана шу орзулар ҳаётимга кўч-

ди. Фақат кўчиб қолмади, ортиғи билан рўёбга чиқди. Масалан, 2025 йилда ўзим туғилиб ўсган Наманганда Зулайҳо Бойхонова қўшиқлари танлови ўтказилди. Бу танлов орқали кўплаб иқтидорли, ҳақиқий ёш санъаткорлар кашф этилди ва муносиб тақдирланди. Шу йилнинг ўзиди менга Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа институтида профессорлик унвони ҳам берилди. Бу барча воқеалар мен учун қутилмаган ва жуда қувончли бўлди.

– Қўшиқчиликка кириб келишингизда кимнинг ёрдами ёки таъсири катта бўлган?

– Мен “Муқимий” номли мусиқа театрида бош ролларни ижро этганман, катта-катта арияларни қуйлаганман. Хизмат кўрсатган артист, халқ артисти унвонларига эга бўлсам-да, узок йиллар давомида ўзининг шахсий қўшиғим бўлмаган. Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ санъаткорлар билан Францияга гастроль сафарига бордик. Ўша сафар давомида “Одеон” театрида ва ЮНЕСКОнинг катта концерт залида чиқиш қилдик. Концертда мен “Нодирабегим” спектаклидаги “Тушимда кўрсам эди” ариясини ижро этдим. Репетиция пайтида Абдуқошим Исмоилов олдимга келиб: “Зулайҳо, овозингиздан Ҳабиба Охунованинг ҳиди келяпти. Тошкентга борганингизда мени топинг, сизга иккита қўшиқ бераман. Албатта, ўзингизнинг қўшиғингиз бўлиши керак”, – дедилар. Франциядан қайтганимдан сўнг Абдуқошим аканинг олдиларига бордим. Улар менга кассета бериб, ичидани қўшиқлардан ўзимга ёққанини танлаб олишимни айтдилар. Шунда “Гар соғинсам сени, на қилай” қўшиғини танладим. Абдуқошим

Исмоиловнинг “Ўзингизнинг қўшиғингиз бўлиши керак” деган сўзлари менга жуда катта таъсир қилган. Айна “Гар соғинсам” қўшиғи қўшиқчиликка кириб келишимнинг бошланishi бўлган.

– Қайси қўшиғингиз сиз учун энг қимматли ва нима учун?

– Ота-она барча фарзандларини бирдек яхши кўради, аммо барибир орасида биттасини бошқачароқ меҳрибон деб айтиб қўяди. Мен ҳам қўшиқларимни худди фарзандларимдек яхши кўраман. Чунки ҳар бирига вақтим, меҳнатим, юрагим кетган. Шу билан бирга, улар орасида Саида Зуннунованинг “Ҳай-ҳай” шеърча ёзилган қўшиғим мен учун алоҳида қадрли. Негаки, айнан шу қўшиқ орқали мухлисларим ага бўлсам-да, узок йиллар давомида ўзининг шахсий қўшиғим бўлмаган. Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ санъаткорлар билан Францияга гастроль сафарига бордик. Ўша сафар давомида “Одеон” театрида ва ЮНЕСКОнинг катта концерт залида чиқиш қилдик. Концертда мен “Нодирабегим” спектаклидаги “Тушимда кўрсам эди” ариясини ижро этдим. Репетиция пайтида Абдуқошим Исмоилов олдимга келиб: “Зулайҳо, овозингиздан Ҳабиба Охунованинг ҳиди келяпти. Тошкентга борганингизда мени топинг, сизга иккита қўшиқ бераман. Албатта, ўзингизнинг қўшиғингиз бўлиши керак”, – дедилар. Франциядан қайтганимдан сўнг Абдуқошим аканинг олдиларига бордим. Улар менга кассета бериб, ичидани қўшиқлардан ўзимга ёққанини танлаб олишимни айтдилар. Шунда “Гар соғинсам сени, на қилай” қўшиғини танладим. Абдуқошим

– Машҳурлик ҳаётингизга қандай таъсир кўрсатди – ижобий ва салбий жиҳатлари?

– Машҳурлик – аслида синув. Машҳурликнинг ижобий таъсирини қандай қабул қилган бўлсам, салбий томонини ҳам шундай қабул қилганман. Чунки машҳурлик кимлардир керак бўлган нарсасидир. Нафақат санъаткорларни кузатсангиз, бошқа соҳаларда машҳур бўлган инсонлар ҳам шундай вазиятга дуч келади. Бу нарсаси бизгача бўлган ва биздан кейин ҳам давом этади.

– Кимларни устоз деб биласиз?

– Санъаткор сифатида биз ўзимиздан олдин ижод қилган барча санъаткорларни устоз деб биламиз. Лекин ҳақиқий устоз – бу сизнинг ютуқларингиздан хурсанд бўлади, ютуғингизни қутади, хурсандчилигиндан кўзига ёш олиб, ортингиздан дуо қиладди. Мана шундай устозларимдан биттаси – Ўзбекистон халқ артисти Абдуқошим Исмоилов.

– “Ўзбекистон темир йўллари” ҳақидаги қўшиғингиз қандай яратилган?

– “Ўзбекистон темир йўллари” ҳақидаги гимн қўшиғимиз бир неча йил аввал яратилган. Ўша пайтдаги темир йўл раҳбарларидан бири устозим Абдуқошим акага мурожаат қилиб, темирийўлчилар ҳақида чиройли бир гимн яратишни таклиф қилишди. Шу қўшиқ учун алоҳида шеър ёзиш учун шоира Мунаввара жалб қилинди. Устозим Абдуқошим Исмоилов куй басталашни бошладилар ва ушбу гимни мен ижро этдим. Қўшиқ чиройли чиққандан сўнг, темир йўл раҳбарлари ўзлари клип тайёрлаб беришди. Шу кундан бери бу қўшиқ темир йўл байрамларида экранларда доим айланиб туради.

– Бугунги Ўзбекистон темир йўлларига муносабатингиз қандай ва янги йил билан юртдошларга, темирийўлчиларга байрам тилакларингиз?

– Бугунги Ўзбекистон темир йўлларига муносабатим ўта аъло. Сабаби, тадбирларимиз, концертларимиз ёки халқимиз тўй-томошалари учун вилоятларга борганда, биз ҳаммиса поездда борамиз, деймиз. Чунки у ердаги шароитлар, вагон кузатувчиларининг муомаласи, вагоннинг эркинлиги ва шинамлиги – ҳамма нарсаси мукамал. Мен чет элдаги поезд ва вагонларда ҳам бўлганман, уларда бундай шароит йўқ. Чет элликлар бизнинг поездлардаги шароитимизни кўрса, албатта ҳайрон бўлади. Яқинда Самарқандга поездда бордим ва чет элликларни кўриб, шунақа шароитларимиз борлигини ичимда катта фахр ҳис қилдим. Кириб келган янги йил билан бутун темирийўлчиларни чин қалбимдан табриклайман. Уларга темирдек мустаҳкам соғлиқ ва саломатлик тилайман. 2026 йил файзли, барокатли ва омадли йил бўлсин!

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирийўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-134 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Адади: 1200